

2020 йил «09» июлдаги

59 - сонли

«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича

ХУЛОСА

Жамият тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи:	• «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки
Юридик манзили:	• Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Шаҳрисабз кўчаси, 3 уй
Телефон:	• (+998 78) 120-36-32
Электрон почта манзили (e – mail):	• info@uzpsb.uz
Банк реквизитлари:	• ҳисоб рақами: 1990 9000 4000 0044 0172, банк коди: 00440 • «Ўзсаноатқурилишбанки» АТБ Бош офиси
СТИР:	• 200 833 707
Давлат рўйхати тўғрисида маълумот:	• Лицензия рақами 17, 2017 йил 21 октябр

Мустақил баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи:	• «PREMIUM FINANCE» масъулияти чекланган жамияти
Юридик манзили:	• Тошкент шаҳри, Шайхантахур тумани, Навоий кўчаси, 40
Телефон:	• (+998 98) 125 - 54 - 44
Электрон почта манзили (e – mail):	• info@pfgroup.uz
Банк реквизитлари:	• ҳисоб рақами: 2020 8000 3006 8088 4001, банк коди: 01071 • «ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ Амалиёт бошқармаси
СТИР:	• 304 361 782
Давлат рўйхати тўғрисида маълумот:	• Гувохнома рақами 009518 – 09, 2016 йил 10 октябр

«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса «PREMIUM FINANCE» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланди.

«PREMIUM FINANCE» МЧЖ инвестиция маслаҳатчиси сифатида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2019 йил 27 майда берилган 1365 – сонли Лицензия асосида амалга оширади.

2020 йил 13 июндаги 1436745 – сонли шартномага асосан «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ўтказилди. Мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жумладан акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш Комиссияси томонидан (2015 йил 31 декабрдаги 9 – сонли баённома) тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ амалга оширилди.

«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкида корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказилишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий – таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволнома асосида амалга оширилди.

«PREMIUM FINANCE» МЧЖ фақат «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар Жамият корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки корпоратив бошқарув тизимининг ҳақиқий баҳоси 1020 баллни ёки фоиз кўринишида 85,00% ни ташкил этади ва «PREMIUM FINANCE» МЧЖ томонидан Банк корпоратив бошқарув тизимига «**юқори**» даражадаги баҳо берилди, бунда баҳолаш йўналишлари куйидаги кўринишга эга:

«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг якуний жадвали

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимолли баллар		Ҳақиқий баҳо
			қуий	юқори	
1	Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш жараёнини баҳолаш	13	- 135	135	135
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	- 360	360	275
3	Банк ташкилий тузилмасини баҳолаш	3	- 30	30	25
4	Конкурс танлови ўтказилишини баҳолаш	5	- 45	45	-5
5	Банк ҳисоботларини БХХС га ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ошкор қилинишини баҳолаш	3	- 50	50	50
6	Бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этилишини баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар)	5	- 55	55	45
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	- 170	320	300
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	- 150	150	150
9	Банк фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	- 205	55	45
Жами		100	- 1 200	1 200	1020
Фоиз кўринишида якуний баҳо					85,00%

Шунингдек, 2019 йил давомида «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкида Халқаро молия корпорацияси (кейинги ўринларда - ХМК) компаниясининг тавсиясига асосан корпоратив бошқарувнинг замонавий турларини жорий қилиш мақсадида Банк Кенгаши қошида Корпоратив маслаҳатчи фаолияти тубдан ўзгартирилган ва корпоратив бошқарув хизмати ташкил этилган. Шу билан бирга, «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида Низоми», Банкнинг 2019-2020 йилларга корпоратив бошқарув

тизимини ривожлантириш «Иш режаси», жаҳон стандартлари асосида Банкнинг «Корпоратив бошқарув қоидалари» ишлаб чиқилган ва Банк фаолиятига тадбиқ этилган. ХМК вакили ва Корпоратив маслахатчи томонидан янги сайланган Банк Кенгаши аъзолари учун «Банк Кенгашининг самарали ишлашини ташкил этиш» мавзусида презентация ва тренинг машғулоту ўтказилган.

Бунинг натижасида Банк Кенгаши аъзолари томонидан Банк Кенгаши ҳузурида халқаро андозаларга тўғри келадиган янги 5та қўмита ташкил этишга қарор қилинган ва ташкил этилган, булар:

- «Аудит» қўмитаси;
- «Таваккалчиликни назорат қилиш» қўмитаси;
- «Тайинлаш ва рағбатлантириш» қўмитаси;
- «Йирик битимлар ва манфаатли битимлар» қўмитаси;
- «Стратегия» қўмитаси.

Ушбу қўмиталар раиси ва аъзолари Банк Кенгаши таркибидан сайланган бўлиб, ҳар бир қўмитанинг йиллик «Иш режалари» тасдиқланган ва уларнинг ишчи органлари сифатида маъсул Банк департаментлари бириктирилган.

Қолаверса, Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ва Банк Бошқарувига белгиланган ваколатлар доираси фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида умумий корпоратив ваколатлар ва функционал ваколатларни ўз ичига олган «Ваколатлар матрицаси» ишлаб чиқилиб, Банк корпоратив бошқарувида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Шунингдек, 2019 йилнинг июль ойидан фаолият олиб бораётган Банк Кенгаши томонидан бугунги кунга қадар 29 марта йиғилиш ўтказилиб, ушбу йиғилишларда 102 та масала кўриб чиқилган.

Банк Кенгаши таркибида «мустақил аъзолар» сонини 5 нафарга етказиш мақсадида ХМК ва бошқа хорижий маслахатчилар тавсиясига кўра корпоратив бошқарув соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган мутахассислар билан музокаралар олиб борилмоқда ва ҳозирда маълумотлар базаси шакллантирилиб, йирик акциядорларга келишиш учун тақдим этилган.

Юқоридаги амалга оширилаётган тадбирлар, тасдиқланган «Иш режалар»даги вазифаларни мунтазам бажариб бориш ва ХМК билан бу борада ҳамкорлик қилиш натижасида «Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки Кенгаши фаолияти ва Банкдаги корпоратив бошқарув тизими «юқори» даражада юритилиши таъминланмоқда.

«PREMIUM FINANCE» МЧЖ Директори



Кадыров О.Б.